Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

	Млрд. сўм	2015 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	**4534,6**	**118,0**
Саноат маҳсулоти	2776,1	191,7
Истеъмол товарлари	638,3	115,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1116,5	106,3
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	2811,3	55,7
Қурилиш ишлари	968,5	105,2
Юк айланмаси млн. тн-км	629,6	108,6
Йўловчи айланмаси млн. йўловчи-км	1942,5	107,4
Чакана товар айланмаси	2110,5	114,0
Хизматлар, жами	2064,0	113,4
Ташқи савдо айланмаси млн. АҚШ долл.	503,0	2,4 м.
Экспорт	331,6	5,9 м.
Импорт	171,4	110,6
Сальдо (+;-)	160,2	х

Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-сентябрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 4534,6 млрд. сўмни ташкил этди ва 2015 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 118,0 фоизга тенг бўлди.

2016 йил январь-сентябрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 112,9 фоизни ташкил қилди.

Январь-сентябрь ойларида республика ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд.сўм		2015 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2015 йил	2016 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	**3402,4**	**4534,6**	**118,0**
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3224,9	4144,6	117,3
Маҳсулотларга соф солиқлар	177,6	390,0	131,5
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	**3224,9**	**4144,6**	**117,3**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	577,5	624,2	106,3
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	862,3	1414,8	142,7
саноат	476,7	982,8	173,0
қурилиш	385,6	432,0	105,2
Хизматлар	1785,0	2105,2	108,6
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	285,3	341,3	111,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	324,6	379,8	109,2
бошқа хизматлар	1175,1	1384,3	107,8

Январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):



Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Республиканинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) (142,7%), шундан саноат (173,0) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 55,9 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2015 йил январь-сентябрга нисбатан 10,8 фоизли бандга камайди.

2016 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотдаги тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати ҳажмида хизматлар улуши 50,8 фоиз (2015 йил январь-сентябрда 55,3 фоиз) ни ташкил қилди.

Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 13781 тани ташкил қилиб, шундан 12916 таси ёки 93,7 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 2999 та (21,8 фоизи), қурилиш 1337 та (9,7 фоизи) саноат 1273 та (9,2 фоизи) ва яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 777 та (5,6 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	**13781**	**100,0**	**12916**	**100,0**
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1578	11,5	1446	11,2
саноат	1273	9,2	1187	9,2
қурилиш	1337	9,7	1252	9,7
савдо	2999	21,8	2773	21,5
ташиш ва сақлаш	809	5,9	759	5,9
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	777	5,6	725	5,6
ахборот ва алоқа	362	2,6	319	2,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	405	2,9	395	3,0
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	4241	30,8	4060	31,4

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 82,9 фоизи нодавлат мулки, 17,1 фоизи давлат мулки шаклидаги корхоналарни ташкил этди.

Рўйхатга олинган корхоналарнинг умумий сонидан 23,1 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,3 фоизи акциядорлик жамиятлари, 59,0 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 октябрь ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2016 йил январь-сентябрда жами 1098 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 1063 та). Уларнинг асосий қисми Нукус шаҳрида (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 40,2 фоизи), Тўрткўл (10,5 фоиз), Беруний (7,7 фоиз), Амударё (7,4 фоиз), Хўжайли (6,6 фоиз) ва Нукус (5,1 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 22,8 фоизи савдо, 11,9 фоизи саноат ва 13,6 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 928 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 178 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 19,2 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2016 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони (фермер ва деҳқон хўжаликларсиз) 10853 тани ташкил қилди.

2016 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 55,9 фоизи (2015 йил январь-сентябрда 66,7 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2016 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 479,9 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 74,6 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 285,9 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 93,5 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 677,1 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 24,4 фоизи) ёки 2015 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 14,2 фоиз ўсишни ташкил қилди;

- 1087,1 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 6,6 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 97,4 фоизи) ташкил қилди.

- 463,4 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 16,5 фоизи) ўзлаштирилди ва 2015 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 26,3 фоизга ўсди;

- 800,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 82,7 фоизи) бажарилди ва 2015 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 12,8 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 7,3 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 82,0 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 8,2 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 95,2 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 93,0 фоизи ёки 1963,4 млрд. сўми (ўсиш 17,4 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 60,1 фоизи ёки 1241,4 млрд. сўми (ўсиш 24,3 фоиз) шакллантирилди;

- 43,7 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 13,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 40,2 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 23,5 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2016 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1087,1	96,8
Саноат	677,1	16,6
Қурилиш	800,6	37,4
Чакана савдо	1963,4	18,1
Юк ташиш, млн тн.	18,6	2,2
Йўловчи ташиш, млн.киши	167,8	0,6
Экспорт, млн. АҚШ долл.	43,7	0,2
Импорт, млн. АҚШ долл.	40,2	9,3

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ташқи иқтисодий алоқалар

2016 йилнинг январь-сентябрида ташқи савдо айланмаси 503,0 млн. АҚШ долларини, жумладан 331,6 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари, 171,4 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 160,2 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2016 йилнинг январь-сентябрида МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида Республиканинг ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

(млн АҚШ доллари)

	январь-сентябрь		2015 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2015 й.	2016 й.	
Ташқи савдо айланмаси	**211,3**	**503,0**	**2,4 м.**
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	39,3	93,5	2,4 м.
бошқа давлатлар	172,0	409,5	2,4 м.
Экспорт	**56,4**	**331,6**	**5,9 м.**
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	16,7	47,5	2,8 м.
бошқа давлатлар	39,7	284,1	7,2 м.
Импорт	**155,0**	**171,4**	**110,6**
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	22,6	46,0	2,0 м.
бошқа давлатлар	132,4	125,4	94,8

2016 йил январь-сентябрда Республика ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:



2016 йилнинг январь-сентябрь республика экспорт-импорти таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2015 йил январь-сентябрь	2016 йил январь-сентябрь	2015 йил январь-сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт таркиби	**100,0**	**100,0**	**5,9 м.**
пахта толаси	38,8	1,4	21,6
озиқ-овқат маҳсулотлари	16,2	7,4	2,7 м.
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	6,3	86,1	80,4 м.
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	-	-	-
қора ва рангли металлар	0,1	-	-
машина ва ускуналар	-	0,1	-
хизматлар	20,4	3,3	95,1
бошқалар	18,2	1,7	54,7

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2015 йил январь-сентябрь	2016 йил январь-сентябрь	2015 йил январь-сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида
Импорт таркиби	**100,0**	**100,0**	**110,6**
озиқ-овқат маҳсулотлари	2,1	2,4	126,1
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	9,1	11,7	142,0
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	3,4	2,6	84,2
қора ва рангли металлар	1,2	2,6	2,4 м.
машина ва ускуналар	42,5	63,7	165,8
хизматлар	37,3	5,8	17,2
бошқалар	4,4	11,2	2,8 м.

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби:
умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2016 йилнинг январь-сентябрида Республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2015 йил январь-сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида
Россия	9,7	2,4 м.
Хитой	30,1	2,4 м.
Туркия	20,2	15,5 м.
Эрон	0,1	7,3 м.
Қозоғистон	4,2	7,1 м.
Афғонистон	0,3	-
Германия	0,7	39,7
Ж.Корея	9,6	104,9
Украина	1,1	12,4 м.
Латвия	2,3	8,6 м.
Италия	1,8	7,5 м.
Буюк Британия	0,4	150,6
Белоруссия	-	-
Литва	11,5	54,2 м.
Швеция	0,1	36,3

2016 йил январь-сентябрда МДҲ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Саноат

2016 йил январь-сентябрда саноат маҳсулоти ҳажми 2776,1 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 191,7 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 638,3 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2015 йил январь-сентябрга нисбатан 115,4 фоизни ташкил этди. Жумладан, 379,6 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 216,9 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари ва 41,8 млрд. сўмлик вино-ароқ маҳсулотлари (2015 йил январь-сентябрига нисбатан мос равишда 119,0 фоиз, 114,1 фоиз ва 95,3 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2016 йилнинг январь-сентябрь ойларида 752,3 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2016 йил январь-сентябрида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	**2776,1**	**191,7**
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	**127,2**	**107,4**
улардан:		
Нефть ва табиий газни қазиб олиш	56,0	116,3
Тоғ-кон саноатининг бошка сохалари ва епик усулда казишга техник ердам курсатиш	71,2	101,5
Қайта ишлаш саноати	**2327,0**	**2,3 м.**
ундан:		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар ишлаб чиқариш	492,8	115,8
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	340,0	103,6
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	13,2	95,1

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	0,6	110,6
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	1339,3	13,9 м.
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	2,4	115,2
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	123,8	116,0
Металлургия саноати	1,9	87,8
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	11,6	100,5
Бошқа тайёр буюмларни ишлаб чиқариш	1,4	93,9
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	**290,8**	**98,5**
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	**31,1**	**109,2**
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	**638,3**	**115,4**
шу жумладан:		
озиқ-овқат товарлари	421,4	116,1
ноозиқ-овқат товарлари	216,9	114,1

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш

(йирик корхоналар бўйича)



	Ўлчов бирлиги	2016 йил январь-сентябрь	2015 й январь-сентябрга нисбатан %
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш.			
Табиий газни ишлаб чикариш	млн.м.куб	3406,3	182,5
Оҳактош	минг тн	85,1	85,2
Чақиқ тош (шебень)	минг.тн	135,7	66,2
Ишлаб чиқарадиган саноат			
Ароқ	минг.л 100% спирт	2631,8	94,6
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг.тн	50,1	92,3

	Ўлчов бирлиги	2016 йил январь-сентябрь	2015 й январь-сентябрга нисбатан %
Макарон маҳсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган маҳсулотлар	тн	2828,9	91,1
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	тн	2316,0	144,7
Гуруч маҳсулотлари	тн	3955,4	12,9 м.
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари (кимёвий модификация қилинганларидан ташқари)	тн	5966,4	82,2
Йирик шохли кора моллар учун таер			
Омухта ем махсулотлари	минг.тн	27,5	91,4
Пахта толаси	минг тн	38,3	82,4
Пахта чигити	минг тн	60,5	82,8
Пахта тивити (линт)	тн	3391,0	80,9
Асосий неорганик кимевий моддаллар (динатрий карбонати)	минг тн.	74,9	110,9
Полиэтилен	минг тн	250,7	-
Полипропилен	минг тн	59,0	-

Электр энергиясин ишлаб чикариш ва буғ билан таьминлаш.

Иссиқлик электр марказлари (ИЭМ) ишлаб чиқарган электр энергияси	млн.кВт/с	2421,8	102,6
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	21,8	80,7

Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш

Сувга ишлов бериш ва сув кувурлари буйича таксимлаш буйича хизматлар	млн.сўм	17140,9	115,5
Окава сувларнинг шлами	млн.сўм	1989,1	105,4

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2016 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 1116,5 млрд. сўмни ёки 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 106,3 фоизни, шу жумладан, Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1082,9 млрд. сўмни (106,2 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 19,5 млрд. сўм (106,3 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 6,9 млрд. сўм (101,5 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 6,9 млрд. сўм (121,3 фоиз) ва овчилик хўжаликларида 0,3 млрд. сўм (112,3 фоиз) ни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ҳосил йиғими. 2016 йил январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 174,7 минг тонна сабзавот (13,1 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик. 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 105,1 фоизга (жами 935,0 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 103,7 фоизга (282,7 минг бош), қўй ва эчкилар 103,7 фоизга (989,7 минг бош), отлар 101,9 фоизга (20938 бош), паррандалар 108,7 фоизга (3,3 млн. бошга) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,1 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 98,2 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 97,2 фоизни ташкил этди.

2016 йил 1 октябрь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони қуйидагича:

	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли корамол	**935,0**	**105,1**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	31,2	97,8
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	888,0	105,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	15,8	100,0
улардан сигирлар	**282,7**	**103,7**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	11,1	100,0
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	267,3	104,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	4,3	97,7
Куй ва эчкилар	**989,7**	**103,7**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	31,3	115,9
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	843,9	103,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	114,5	101,8
Отлар	**20,9**	**101,9**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1,5	109,3
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	17,7	101,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,7	96,2

	минг бош	ўсиш суръати, %
Паррандалар	**3269,0**	**108,7**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	158,9	101,2
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3007,2	108,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	102,9	142,3

Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 95,0 фоизни, фермер хўжаликларида эса 3,3 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 94,6 ва 3,9 фоизни, қўй ва эчкилар 85,3 ва 3,2 фоизни, отлар 84,5 ва 7,4 фоизни, паррандалар 92,0 ва 4,9 фоизни ташкил этди.

2016 йилнинг январь-сентябрида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 66,1 минг тонна гўшт (2015 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 6,3 фоизга кўп), 189,6 минг тонна сут (7,5 фоизга кўп), 164,1 млн. дона тухум ишлаб чиқарилди.

2016 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича:

	миқдори	ўсиш суръати, %
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	**66,1**	**106,3**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1,2	107,1
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	64,3	106,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,6	105,6
Сут, минг тн.	**189,6**	**107,5**

	миқдори	ўсиш суръати, %
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	9,0	104,2
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	177,3	107,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3,3	108,5
Тухум, млн. дона	**164,1**	**113,9**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	7,7	101,9
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	151,9	118,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	4,5	54,5

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланади:

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Фермер хўжаликлари. 2016 йилнинг январь-сентябрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 329,7 млрд. сўмни ёки 2015 йилнинг тегишли даврига нисбатан 100,7 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 30,4 фоизни ташкил этди.

2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига фермер хўжаликларида 31,2 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 11,1 минг бош сигир, 31,3 минг бош қўй ва эчкилар, 1543 бош от, 158,9 минг бош паррандалар мавжуд.

2016 йил январь-сентябрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	январь-сентябрь				2015 январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2015 йил		2016 йил		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Сабзавот	37104	24,0	38811	22,2	104,6
Гўшт, тирик вазнда	1105	1,8	1183	1,8	107,1
Сут	8648	4,9	9010	4,8	104,2
Тухум, минг дона	7556	5,2	7698	4,7	101,9

Инвестициялар ва қурилиш

2016 йил январь-сентябрда Республиканинг асосий капиталини кўпайтиришга 2811,3 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 55,7 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	якунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	**2811,3**	**55,7**	**100,0**
шу жумладан			
Марказлашган инвестициялар:	**504,2**	**47,2**	**17,9**
бюджет маблағлари	76,4	45,5	2,7
давлат мақсадли фонд маблағлари	104,0	66,0	3,7
болалар спортини ривожлантириш фонди маблағлари	15,6	195,4	0,6
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	268,3	38,6	9,5
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	39,9	102,4	1,4
Марказлашмаган инвестициялар	**2307,1**	**58,1**	**82,1**
корхоналарнинг ўз маблағлари	649,3	63,3	23,1
аҳоли маблағлари	334,9	113,0	11,9
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	1174,0	46,5	41,8
бошка хорижий инвестиция ва кредитлар	28,4	78,7	1,0
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	120,5	122,4	4,3

2016 йил январь-сентябрда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	**2811,3**	**267,3**	**2544,0**
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
қурилиш-монтаж ишлари	35,9	68,0	32,5
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	49,0	21,9	51,8
Бошқа ҳаражатлар	15,1	10,1	15,7

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2015 йил январь-сентябрга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 25,6 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 29,1 фоизли пунктга кўпайган ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 3,5 фоизли пунктга камайган.

Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2016 йил январь-сентябрда умумий майдони 525,7 минг кв.м. бўлган 3999 та (2015 йил январь-сентябрга нисбатан 108,3 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 185,6 минг кв.м. (117,8 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 413,3 млрд. сўми ёки 67,6 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Олий таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-ҳунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоотлари қурилишида 42,0 млрд. сўм атрофида инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 6,7 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 99,1 фоизини ташкил қилиб, 4776 ўқув ўрнига эга ўн иккита умумтаълим ммактаблари, 240 ўқув ўрнига эга иккита касб-ҳунар коллежлари, битта мусиқа ва санъат мактаби ва ўнта болалар спорти объектлари янгидан қурилди ва реконструкциядан чиқарилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 22,6 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 3,7 фоизини ва соғлиқни сақлаш соҳасига киритилган инвестицияларнинг 48,8 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 139,6 км узунликдаги ичимлик суви, 18,5 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2015 йил январь-сентябрга нисбатан мос равишда 71,2 ва 68,8 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 20,1 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобига 0,3 млрд. сўм, давлат бюджети маблағлари ҳисобига 19,8 млрд. сўм, газ тармоқлари қурилишига эса аҳоли маблағлари ҳисобига 0,3 млрд. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2016 йил январь-сентябрда 968,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 105,2 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 66,6 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 13,6 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 19,8 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 74,5 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 923,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 95,3 фоизни (2015 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 106,5 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Транспорт

Юк ташиш. 2016 йил январь-сентябрда барча транспорт турлари томонидан 29,8 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110,3 фоизга кўп.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 629,6 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 108,6 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь-сентябрь	2015 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	29,8	110,3
шу жумладан:		
автомобил транспортида	29,8	110,3
Юк айланмаси, млн. тн-км	629,6	108,6
шу жумладан:		
автомобил транспортида	629,6	108,6

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2015 йил январь-сентябрга нисбатан 106,8 фоизга кўпайди ва 465,6 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 82,0 фоизни ташкил этди (2015 йил январь-сентябрда 83,0 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2016 йил январь-сентябрда барча транспорт турлари томонидан 173,7 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,8 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 107,4 фоизга кўпайиб, 1942,5 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь-сентябрь	2015 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	173,7	105,8
шу жумладан, автомобил транспортида	173,7	105,8
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	1942,5	107,4
шу жумладан, автомобил транспортида	1942,5	107,4

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2015 йил январь-сентябрга нисбатан 108,2 фоизга кўпайди ва 1850,3 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 95,2 фоизни ташкил этди (2015 йил январь-сентябрда 94,5 фоиз).

Товарлар ва хизматлар бозори

2016 йил январь-сентябрь чакана товар айланмаси 2110,5 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,0 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2015 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	**2110,5**	**114,0**	**100,0**
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	1,2	94,9	0,1
нодавлат мулки	2109,3	114,0	99,9
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	382,4	110,9	18,1

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2016 йил январь-сентябрда 147,1 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 82,0 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 1963,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 117,4 фоизга ошган.

2016 йил январь-сентябрда чакана савдо айланмаси таркиби қўйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2015 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	**2110,5**	**114,0**	**100,0**
шу жумладан:			
савдо корхоналари	147,1	82,0	7,3

	млрд. сўм	2015 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Якка тартибдаги тадбиркорлик	1963,4	117,4	93,0
шундан: уюшмаган сектор(ташкил этилмаган савдофаолияти)	137,9	102,8	6,5

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 52,6 млрд. сўмга етди ёки 2015 йил январь-сентябрга нисбатан 18,8 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 12,2 фоизга ошди ва 1172,4 минг сўмни ташкил этди (2015 йил январь-сентябрь ойиларида 970,0 минг сўмни ташкил этган).

2016 йил январь-сентябрда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 2064,0 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 568,0 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 27,5 фоизини ташкил қилди. 2015 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш 113,4 фоизни ташкил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2016 йилнинг январь-сентябрида қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2015 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	**2064,0**	**113,4**	**100,0**
Шу жумладан хизмат турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	182,1	111,4	8,8
молиявий хизматлар	184,3	130,2	8,9
транспорт хизмати	596,8	109,7	28,9

	млрд. сўм	2015 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
шу жумладан автотранспорт хизматлари	317,0	117,5	15,4
яшаш ва овқатланиш хизматлари	55,7	111,2	2,7
савдо хизматлари	526,3	116,6	25,5
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	79,7	117,4	3,9
таълим соҳасидаги хизматлар	91,0	103,7	4,4
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	23,7	108,4	1,1
ижара ва прокат хизматлари	50,8	115,9	2,5
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	92,3	109,6	4,5
бошқа шахсий хизматлар	99,8	106,4	4,8
меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	16,1	121,3	0,8
бошқа турдаги хизматлар	65,4	107,7	3,2

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 28,9 фоизи), савдо (25,5 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлар (130,2 фоиз), меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (121,3 фоиз), кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар (117,4 фоиз) ва савдо хизматларида (116,6 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

2016 йил январь-сентябрида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича:



Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига республикада доимий аҳоли сони 1809,3 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 18,2 минг кишига ёки 101,0 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ўсиши 21997 кишини ташкил этди.

2016 йил январь-сентябрда миграция сальдоси, дастлабки маълумотларга кўра, -3748 кишини ташкил қилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2016 йил январь-сентябрда қуйидагича ифодаланади:

	Киши			Ҳар 1000 кишига	
	2015й.	2016й.*)	ўсиш, камайиш (-)	2015й.	2016й.**)
Туғилганлар	28611	27878	-733	21,6	20,7
Ўлганлар	5677	5881	204	4,3	4,4
шу жумладан бир ёшгача болалар	348	391	43	11,3	13,1
Табиий ўсиш	22934	21997	-937	17,3	16,3
Никоҳлар	10394	9457	-937	7,8	7,0
Ажралишлар	845	844	-1	0,6	0,6

Туғилиш даражаси. 2016 йил январь-сентябрда туғилганлар сони 27878 кишини ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 733 кишига кам ёки 97,4 фоиз бўлиб, туғилиш коэффициенти 21,6 промилледан 20,7 промеллига камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши республиканинг деярли барча ҳудудларида қайд этилди. Бу кўрсаткичнинг юқори даражаси Амударё (22,8 дан 20,5 промеллига), Нукс тумани (25,3 дан 23,6 промеллига) ва Нукус шаҳрида (20,5 дан 18,9 промеллига) кузатилди.

Ўлим даражаси. 2016 йилнинг январь-сентябрда ўлганлар сони 5881 кишини ташкил қилди ва 2015 йил январь-сентябрга нисбатан ўлганлар сони 204 кишига ёки 3,6 фоизга кўпайди. Ўлганлар сонининг кўпайиши Кегейли (4,6 дан 4,8 промеллига) туманида, Шуманай (3,6 дан 3,9 промиллига), Қораўзак (4,1 дан 4,4 промеллига), Хўжайли (4,6 дан 5,0 промеллига), Нукус тумани (4,7 дан 4,9 промеллига) ва Нукус шаҳрида (4,2 дан 4,6 промиллега) кузатилди.

Энг кўп ўлим ҳоллари Тахтакўпир туманида (5,4 промелли), энг кам ўлим ҳолатлари Элликқалъа (3,4 промелли) туманида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 52,8 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 10,7 фоизи - ўсма касалликларидан, 4,8 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 5,6 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 8,4 фоизи - бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь-сентябрида бир ёшга тўлмаган 391 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 13,1 промиллени ташкил қилди (2015 йилнинг январь-сентябрида 11,3 промилле).

*) Даслабки маълумот
**) 1000 туғилганларга

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 74,2 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 13,6 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 3,6 фоизи – туғма аномалиялардан ва 1,3 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никох ва ажралишлар. 2016 йил январь-сентябрда 9457 та никоҳ рўйхатга олинди, ажралишлар сони эса 844 тани ташкил қилди. Бу минг аҳолига 7,0 никоҳ ва 0,6 ажралишлар тўғри келмоқда (2015 йил январ-сентябр мос равишда 7,8 ва 0,6).

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь-сентябрь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 7537 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 11285 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 3748 кишига (2015 йилнинг шу даврида минус 4406) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Нукус шаҳрида (минус 591), Хужайли туманида (минус 742, Чимбой туманида (минус 448) кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2016 йил январь-сентябрда қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига



Меҳнат ресурсларининг сони, дастлабки маълумотларга кўра, 2015 йил январь-сентябрга нисбатан 1,4 фоизга кўпайиб, 1038,8 минг кишини ёки республика доимий аҳолисининг 57,4 фоизини ташкил қилди.

2016 йил январь-сентябрда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 16299 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Нукус (2340 кишига) шаҳрида, Беруний (1909 кишига), Хўжайли (1612 кишига), , Қўнғирот (1536 кишига), Тўрткўл (1338 кишига) ва Элликқалъа (1166 кишига) туманларида кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 15932 нафари (барча мурожаат этганларнинг 97,7 фоизи) ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Нукус (мурожаат этганларнинг 97,6 фоизи) шаҳрида, Тахтакупир (99,6 фоиз), Чимбой (99,5 фоиз), Қонликул (99,1 фоиз) ва Элликқалъа (100,0 фоиз) туманларида юқори даражада бўлди.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(киши)